

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 484-ҳадис

484 - *Абул Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Эй Аллоҳнинг расули, мени бир амалга йўналтириб қўйингки, ўшанга амал қилсам, Аллоҳ ҳамда кишилар мени яхши кўрсин», деганида, у зот: «Дунёда зоҳид бўл, Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар қўлидаги нарсада зоҳид бўл, одамлар сени яхши кўради», дедилар.*

1. Абул Аббос Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, мени бир амалга йўналтириб қўйингки, ўшанга амал қилсам, Аллоҳ ҳамда кишилар мени яхши кўрсин», деганида, у зот: «**Дунёда зоҳид бўл, Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар қўлидаги нарсада зоҳид бўл, одамлар сени яхши кўради**», дедилар.

Ҳасан ҳадис бўлиб, Ибн Можа ва бошқалар ҳасан иснод билан ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz

